

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДУСБАЕВ ИСО РАМАЗАНОВИЧ**

**ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ГЎЗА ДАЛАЛАРИДАГИ БЕГОНА ЎТЛАРГА  
ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.01-Умумий деҳқончилик. Сахтацилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2021**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural  
sciences**

**Дусбаев Исо Рамазанович**

Ингичка толали ғўза далаларидаги бегона ўтларга ўтларга қарши  
кураш тадбирларини ишлаб чиқиш ..... 3

**Дусбаев Исо Рамазанович**

Разработка мер борьбы против сорняков в посевах тонковолокнистого  
хлопчатника..... 21

**Dusbayev Iso Ramazanovich**

Working out of measures against annual and perennial weeds  
in cotton plant fields..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 45

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДУСБАЕВ ИСО РАМАЗАНОВИЧ**

**ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ГЎЗА ДАЛАЛАРИДАГИ БЕГОНА ЎТЛАРГА  
ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.01-Умумий деҳқончилик. Сахтацилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Qx552 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида (ТошДАУ) бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифанинг ([www.andqhai.uz](http://www.andqhai.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) манзилига жойлаштирилди.

**Илмий раҳбар:** **Насиров Бахтиёр Салоҳиддинович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент.

**Расмий оппонентлар:** **Ибрагимов Одижон Олимжонович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор;  
**Ризаев Шухрат Худойбердиевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент.

**Етакчи ташкилот:** **Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш  
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузуридаги PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» 11 соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил 170600, Андижон туман, куйган-ёр шаҳарчаси Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. Тел: (99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail: [agai\\_info@edu.uz](mailto:agai_info@edu.uz); Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1 қават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 12 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99874) 373-10-54.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 11 кuni тарқатилди.  
(2021 йил «10» 11 даги 12 рақамли реестр баённомаси)



**А.Исашов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

**С.О.Абдурахмонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., профессор в.б.

**И.С.Комилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.н., доцент.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё кишлоқ хўжалигининг 84 та мамлакатида 33 млн. гектардан ортиқ майдонда пахта етиштирилиб, шундан 220 минг гектарга ингичка толали ғўза экилади. “Хар йили 25 миллион тоннага яқин (Хиндистон 6,423 млн/т, Хитой 5,933 млн/т, АҚШ 4,336 млн/т, Бразилия 2,918 млн/т, Покистон 1,350 млн/т, Ўзбекистон 762 минг/т, Туркия 751 минг/т, Греция 365 минг/т, Мексика 342 минг/т ва Аргентина 305 минг/т) пахта толаси олинмоқда”.<sup>1</sup> Ингичка толали ғўза толаси тола узунлиги, шиқлиги ва майинлиги билан ўрта толали ғўза толасидан фарқ қилганини сабабли ҳозирги вақтда жаҳон бозорида ингичка толали пахта ҳам ашёсига талаб ортиб бормоқда.

Дунёнинг деҳқончилик қилинадиган экин майдонларида 3000 дан ортиқ турдаги бегона ўтлар тарқалган ва улардан 1800 тури жуда катта иқтисодий зарар келтириб, шулардан 200 дан ортиқ тури асосий кишлоқ хўжалик экинлари билан кучли рақобатда бўлиб келмоқда. “Бегона ўтларга қарши агротехникавий ва кимёвий қураш тадбирларини такомиллашган ҳолда олиб бориш натижасида кишлоқ хўжалиги ривожланган АҚШ, Бразилия, Австралия, Хитой, Хиндистон, Покистон, Германия, Жанубий Корея, Эрон, Россия ва бошқа бир қатор давлатларда юқори натижаларга эришилмоқда”.<sup>2</sup> Пахтачилик соҳасида тупроққа ишлов бериш тадбирлари билан бегона ўтларни тўлиқ йўқотишга эришиб бўлмайди. Шу сабабли бегона ўтларга қарши агротехник ва кимёвий қураш чораларини биргаликда қўллаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Пахтачиликда бегона ўтларга қарши қўлланилаётган тадбирларнинг далаларнинг фитосанитар ҳолатига, тупроқ унумдорлигига таъсирини ўрганиш ҳамда ҳосилдорликни оширишни таъминлашда экин усуллари ва гербицидларни қўллашни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш муҳимдир. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «3.3...кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий агротехнологияларни жорий этиш»<sup>3</sup> муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан бегона ўтларга қарши қурашда пуштага ва текис ерга экилган ғўза далаларида замонавий гербицидларни олдинма-кейин, навбатлаб, аралаштириб ва фаол моддалар қўшиб қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришда кенг жорий этиш бўйича илмий излашлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентиининг 2017 йил 15 сентябрдаги ИҚ-3281-сон «2018 йил ҳосили учун кишлоқ хўжалик экинларида оқилона

<sup>1</sup> <https://www.statista.com/statistics/263055/cotton-production-worldwide-by-top-countries/>

<sup>2</sup> <http://www.icar.org.in>; <http://www.agric.gov.ub.ca>; <http://www.global.com>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «3.3...кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий агротехнологияларни жорий этиш» билди.

жойлаштириш чора тadbирлари ва кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 январдаги 25-сон «Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш ва кўпмича даромад олишни таъмин қилиш чора тadbирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги 47-сонли «Ингичка толали пахта стиштиришни самарали таъмин қилиш, янги навларни кўпайтириш ва рағбатлаштириш механизмини жорий этиш тўғрисида» қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика Фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Кишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Гўза далаларидаги бегона ўтларга қарши гербицидларни қўллаш Республикада 1956 йилда бошланган. Уша даврлардан буён кўпгина гербицидлар синов қўрилди. Тадқиқотлар натижасида самарали гербицидлар ишлаб чиқаришга тавсия этилган. Республикада сўғорилиб деҳқончилик қилинадиган турли тупроқ-иқлим шароитида пахтазорларда тарқалган бегона ўтларнинг систематикаси, биологияси, оила ва турларини ўрганиш бўйича (В.А.Буригин, Ф.Джангуразов, П.А.Гомолицкий), уларга қарши агротехник (Б.Собиров, В.Кондратюк, З.Насиров, А.Жўрақулов, З.Турсунхўжаев, М.Мухаммаджонов, Қ.Мирзажонов, Б.Баҳромов, Ф.Хасанова, Р.Рўзиметов) ва кимёвий (Б.Алеев, М.Лазоватская, Р.Тиллаев, А.Сағдуллаев, И.Халилов, Я.Бўриев, Б.Холманов, М.Шодманов, Б.Насиров, А.Юлдашев, И.Турдиева, С.Сулиева, Ш.Ризаев, У.Чаршапбиев) кураш тadbирларини ишлаб чиқиш бўйича илмий излашлар олиб борилган.

Лекин, Сурхондарё вилоятининг сўғориладиган ўтлоқ тупроқлар шароитида, етиштирилаётган ингичка толали гўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишда, бегона ўтларга қарши тупроқни кузда ва баҳорда экишга тайёрлаш, гербицидларни олдинма-кейин қўллашдаги меъёрларининг таъсири бўйича старича илмий излашлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети «Деҳқончилик ва мелиорация» кафедрасини 2016 йил 28-январдаги 6-сонли баённомасида тасдиқланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Гўза-буғдой алмашлаб экишда бегона ўтларга қарши курашда олдини олувчи, агротехник ва кимёвий кураш чораларини уйғунлашган ҳолда олиб боришнинг самарали усулларини ишлаб чиқаришга тавсия қилиш» мавзусидаги илмий-амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган (2016-2020).

**Тадқиқотнинг мақсади** Сурхондарё вилоятининг суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида, ингичка толали ғўза далаларидаги бегона ўтларга қарши курашда пуштага экиш ва таъсир механизми турлича бўлган гербицидларни олдинма-кейин қўллаш ҳисобига ғўзадан юқори ҳамда сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияси элементларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

Сурхондарё вилоятининг суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида, пуштага ва текис ерга экилган далада Анкосар 720 г/л (72 %) с.э. ва Степ 500, 50% с.э. гербицидларини олдинма-кейин қўллашнинг тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

ингичка толали ғўза далаларидаги бегона ўтларга қарши кузда шудгорлаб баҳорда экишга тайёрланган ҳамда кузда шудгорлаб пушта олинган шароитда Анкосар 720 г/л (72 %) с.э. гербицидларини мақбул меъёрини аниқлаш;

Анкосар 720 г/л (72 %) с.э. ва Степ 500, 50% с.э. гербицидларини олдинма-кейин қўллашнинг бегона ўтларга таъсирини аниқлаш ва баҳолаш;

ингичка толали ғўза далаларидаги бегона ўтларга қарши кузда шудгорлаб баҳорда экишга тайёрлаш ҳамда кузда шудгорлаб пушта олинган шароитда бегона ўтларга қарши қўлланилган гербицидларнинг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

бегона ўтларга қарши агротехник ва химёвий кураш тадбирларининг ингичка толали пахта хом-ашёсининг технологик хоссаларига таъсирини баҳолаш;

ингичка толали ғўза далаларидаги бегона ўтларга қарши кузда шудгорлаб баҳорда экишга тайёрлаш ҳамда кузда шудгорлаб пушта олинган ерларда бегона ўтларга қарши гербицидларни қўллашнинг ғўза етиштиришдаги иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сурхондарё вилоятининг суғориладиган ўтлоқи тупроқлари, ингичка толали ғўзанинг СП-1607 нави, Стомп плюс 33 % с.э., Анкосар 720 г/л (72 %) с.э., Степ 500, 50 % с.э. гербицидлари, бир ва кўп йиллик бегона ўтлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, ингичка толали ғўзани кузда шудгорлаб пушта олинган ҳамда кузда шудгорлаб баҳорда экишга тайёрланган ерларга экиш. Анкосар 720 г/л (72 %) с.э. гербицидини мақбул меъёрини аниқлаш, Анкосар 720 г/л (72 %) с.э. гербициди билан Степ 500, 50% с.э. гербицидларини олдинма-кейин қўллаш ва уларни кам ва кўп йиллик бегона ўтларга ҳамда ғўза ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқотларда ғўза бўйича кузатув, ўлчов ва таҳлиллар умум қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником» каби услубий



қўлланмалар асосида олиб борилиб, олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов услуги бўйича амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Сурхондарё вилоятининг суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида ингичка толали ғўзани пуштага экиш тупроқнинг ҳажм массаси 0,01-0,02 г/см<sup>3</sup> камайиб, ғоваклиги 0,3-0,6 % га, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 39 м<sup>3</sup>/га ортиб, агрофизикавий хоссалари яхшилашгани аниқлашган;

ингичка толали ғўза далаларидаги бегона ўтларга қарши кузда шудгорлаб баҳорда экишга тайёрланган ҳамда кузда шудгорлаб пушта олинган ерларда Анкосар 720 г/л (72 %) с.э. гербицидини қўллашнинг 4 л/га мақбул меъёри аниқланган;

Степ 500, 50% с.э. 4 л/га ва Анкосар 720 г/л с.э. 4 л/га гербицидларини бегона ўтларга қарши олдинма-кейин қўллаш ҳисобига бир йиллик бегона ўтлар 95,8 % гача, кўп йиллик бегона ўтлар 94,3 % гача камайиши аниқлашган;

кузда шудгорлаб баҳорда экишга тайёрлашган ҳамда кузда шудгорлаб пушта олишган ерларда ингичка толали ғўза далаларидаги бегона ўтларга қарши қўлланилган гербицидлар ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсири ҳамда 4,7-5,6 т/га қўшимча ҳосил олинити аниқланган;

ингичка толали ғўзани ерни кузда шудгорлаб пушта олиб экиш ва гербицидларни қўллашнинг пахта хом-ашёсининг технологик хоссаларига ижобий таъсири баҳоланган;

ингичка толали ғўза далаларидаги бегона ўтларга қарши кузда шудгорлаб баҳорда экишга тайёрлашган ҳамда кузда шудгорлаб пушта олишган ерларда бегона ўтларга қарши гербицидларни олдинма-кейин қўллашнинг ғўза етиштиришда иктисодий самарадорлиги 77,1-78,9 % рентабеллиги ташкил қилиб қўшимча 30,1-31,0 % рентабеллик аниқлашган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Сурхондарё вилояти суғориладиган ўтлоқи тупроқлари шароитида ерни кузда шудгорлаб пушта олиб қўйиш тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимевий хоссаларини яхшилаб, ингичка толали ғўза далаларидаги бир йиллик бегона ўтлар сонини 13,7-18,6 %, кўп йиллик бегона ўтларни 7,4-10,0 % камайишига эришилган.

Ерни кузда шудгорлаб пушта олиб қўйилган шароитда, Анкосар 720 г/л с.э. гербицидини 4,0 л/га меъёрида қўлланилганда бир йиллик бегона ўтларни 85,1-88,2 %, кўп йиллик бегона ўтларни 85,6-90,0 % камайтирган. Степ 500, 50 % с.э. 4,0 л/га меъёрида экиш билан бирга секиб, кейин Анкосар 720 г/л с.э. гербицидини 4,0 л/га меъёрида олдинма-кейин қўллаш бир йиллик бегона ўтларни 92,0-95,8 %, кўп йиллик бегона ўтларни 91,5-94,3 % га камайишига эришилган.

Анкосар 720 г/л с.э. гербицидини 4,0 л/га меъёрида қўлланилганда 5,1 т/га қўшимча ҳосил олишган бўлса, Степ 500, 50 % с.э. 4,0 л/га меъёрида экиш билан бирга секиб, кейин Анкосар 720 г/л с.э. гербицидини 4,0 л/га меъёрида



олдинма-кейин қўлланилганда ингичка толали пахтадан 5,6 ц/га кўпимча хосил олиниб, соф фойданинг кўпайиши 2633955,2-2866286,8 сўм/га ни, рентабеллик даражаси 77,1-78,9 % га ошишини таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибалар натижаларининг республика ва хорижий давлатлар тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар асосида тайёрланган ҳисоботлар Илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш аслиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва Халқаро илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сурхондарё вилоятининг суғориладиган ўтлоки тупроқлари шароитида ингичка толали ғўза майдонларидаги бегона ўтларга қарши кузда шудгорлаб, пушта олишга ҳамда кузда шудгорлаб, баҳорда экишга тайёрлашга ерларда Анкосар 720 г/л с.э. гербицидининг макбул меъёрини аниқлаш, ҳамда таъсир этиш даражаси турли хил бўлган гербицидларнинг олдинма-кейин қўллашнинг тупроқ агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига, бегона ўт турлари микдорига таъсир қилиш механизми илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Сурхондарё вилоятининг суғориладиган ўтлоки тупроқлар шароитида ингичка толали ғўза далаларидаги бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши кузда шудгорлаб пушта олинган ҳамда кузда шудгорлаб баҳорда экишга тайёрланган шароитда Анкосар 720 г/л с.э. гербицидини 4,0 л/га меъёردа қўлаш, кузда шудгорлаб пушта олишга ҳамда кузда шудгорлаб баҳорда экишга тайёрланган шароитда бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши Степ 500, 50 % с.э. 4,0 л/га меъёردа чигит экиш билан бирга қўлаш ҳамда Анкосар 720 г/л с.э. гербицидини 4,0 л/га меъёردа ғўзанинг шопалаш давригача олдинма-кейин қўллаш эвазига ингичка толали ғўзадан сифатли ва юкори хосил (34,5-35,4 ц/га) олишдан иборат бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ингичка толали ғўза далаларидаги бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши ерни кузда шудгорлаб пушта олинган ва ерни кузда шудгорлаб баҳорда экишга тайёрланган шароитларда гербицидларни қўлаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари учун «Пуштага ва текис ерга экилган ингичка толали ғўза далаларидаги бегона ўтларга қарши гербицидларни олдинма-кейин қўлаш бўйича тавсиянома» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 07 майдаги 02/025-2013-сон маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиянома ингичка толали пахта етиштиришга

ихтисослашган фермер хўжаликларида бегона ўтларга қарши курашда қўлланма сифатида хизмат қилган;

ерни кузда шудгорлаб пушта олинган шароитда Степ 500, 50 % с.э. гербициди 4,0 л/га меъёрда чиғит экиш билан бирга сениш ҳамда Анкосар 720 г/л с.э. гербицидини 4,0 л/га меъёрда ўзанинг шоналаш даврида олдинма-кейин қўллаш агротехнологиялари элементларини Сурхондарё вилояти Жаркўрғош тумани фермер хўжаликларида 162 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 07 майдаги 02/025-2013-сон маълумотномаси). Натижада ерни кузда шудгорлаб пушта олинган шароитда Анкосар 720 г/л с.э. гербицидини 4,0 л/га меъёрда қўллашда бир йиллик бегона ўтлар 82,1-86,3 фоизга, кўп йиллик бегона ўтлар 89,5-91,8 фоиз камайган. Бегона ўтларга қарши Степ 500, 50% с.э. гербицидини 4,0 л/га меъёрда экиш билан бирга қўллаш ва Анкосар 720 г/л с.э. гербициди 4,0 л/га меъёрда ишчакка толани ўзаниш шоналаш давригача олдинма-кейин қўлланилганда бир йиллик бегона ўтлар 89,7-95,5 фоиз, кўп йиллик бегона ўтлар 89,5-91,8 фоизга камайган, гектаридан 5,0 ц/га кўп пахта ҳосили олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ТопДАУ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳолашиб, ҳисоботлар ушверситетнинг илмий кешашида муҳокама қилиниб, ишнинг асосий илмий натижалари Республикада ва халқаро илмий анжуманларда 4 марта маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУШИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблилиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фао ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг пазарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, наптр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Қишлоқ хўжалик экинлари орасидаги бегона ўтларнинг зарари, уларга қарши агротехник ва кимёвий кураш

**тадбирлари бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбаларнинг шархи»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий олимларнинг ўтказган илмий-тадқиқотлардан олинган натижалари, хулоса ва фикрлар таҳлили батафсил ёритилган. Қишлоқ хўжалик экинлари орасидаги бегона ўтларнинг турлари, экин майдонларига келтирадиган зарари, тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хусусиятларига таъсири ва уларга қарши кураш тадбирлари баён этилган. Кейинги йилларда бегона ўтларга қарши курашда гербицидларнинг таъсири бўйича кўплаб илмий-тадқиқотлар ўтказилган. Лекин, суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида пуштага ва текис ерга экилган ингичка толали ғўза далаларидаги бегона ўтларга қарши гербицидларни олдинма-кейин қўллаш бўйича илмий-тадқиқотлар етарлича ўтказилмаганлиги сабабли, ушбу йўналишда илмий изланишларни давом эттириш зарурлиги ҳақида хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот услублари ҳамда тажриба даласида учрайган асосий бегона ўтлар, уларга қарши қўлланилган гербицидлар тавсифи батафсил баён қилинган. Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани иқлими қуруқ субтропик иқлим. Бироқ атрофидаги тоғларга томон кўтарилган сайин ўзгаради. Ўлканинг текислик қисмларида ёз серқуёш, иссиқ ва қуруқ, тоғларга томон ҳарорат пасайиб боради. Қиш эса қисқа ва илиқ, лекин атрофидаги тоғларда эса совуқ бўлади. Ёзда текислик қисми жуда иссиб, июлнинг ўртача ҳарорати Деновда  $+28^{\circ}\text{C}$ , Жарқўрғонда  $+32,1^{\circ}\text{C}$  га тенг. Ёзда баъзан ҳавонинг энг юқори ҳарорати Термизда  $+50^{\circ}\text{C}$  га кўтарилганлиги кайд қилинган. Бу республикамиздаги энг юқори ҳароратдир.

Стомп плюс ва Степ 500 гербицидлари чигит экиш билан биргаликда сепилиб, Анкосар гербициди ингичка толали ғўзанинг шоналаш давригача ёки бегона ўтларнинг бўйи 10-15 см бўлганда қўлланилган. Бегона ўтлар сони ҳар суғоришдан кейин (30, 50 ва 70 кун) ҳисобга олинган. Ингичка толали ғўза далаларидаги бегона ўтлари ҳар бир вариантда белгилаб қўйилган майдончаларда тўғри тўртбурчак шаклида  $1\text{ м}^2$  ҳисобида аниқ усулда ҳисобга олинган.

Дала тажрибаларида ғўза парваришидаги барча агротехник тадбирлар тафсилоти ёритилган ва тадқиқот объекти сифатида олинган гербицидлар тавсифи келтирилган. Олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги Б.А.Доспеховнинг дисперсион усулида математик-статистик таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Ўзани пуштага ва текис ерга экилганда тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссалари»** деб номланган учинчи бобида ерни шудгорлаш усуллари (2017-2019 йй.) тупроқнинг ҳажмий массаси ва ғоваклигига таъсири, сув ўтказувчанлиги, тупроқдаги гумус ва умумий NPK ҳамда ҳаракатчан азот, фосфор ва алмашинувчан калий миқдорларининг ўзгариши бўйича маълумотлар берилган. Амал даври бошида тупроқдаги гумус миқдори назорат ва тажриба вариантларида 0,84-0,92 % бўлиб, амал даври охирида бир оз камайган (0,03 %), амал даври

бошида назорат вариантыда  $N-NO_3-12,1$  мг/кг, энг яхши вариантда эса 18,7 мг/кг га тенг бўлган. Харакатчан фосфор ва алмаппинувчан калий миқдори ҳам тажриба вариантларида назорат вариантыга нисбатан бир мунча юқори бўлган. Вариантилар орасидаги бу фарк амал даври охирида ҳам сақлашиб қолганлиги аниқланган.

Ерни кузда шудгорлаб баҳорда экишга тайёрланган ерда тупрокнинг ҳажм массаси қатламларга мос равишда 1,32; 1,33; 1,34 ва 1,39 г/см<sup>3</sup> говаклик эса 49,2; 48,8; 48,5 ва 46,5 % бўлган бўлса, ерни кузда шудгорлаб пушта олиб қўйилган ерларда амал даври бошида 0-10; 10-20; 20-30 ва 30-50 см қатламларда тупрокнинг ҳажм массаси мос равишда 1,31; 1,32; 1,33 ва 1,36 г/см<sup>3</sup>, тупроқнинг говаклиги эса 49,6; 49,2; 48,8 ва 47,7% бўлган.

Тажрибаларда ерни кузда шудгорлаб, баҳорда экишга тайёрланган шароитда назорат (гербицидсиз) вариантыда ўртача сув ўтказувчанлиги биринчи суғоришда 6 соатда 1043 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилган бўлса, Стомп плтос 33% с.э. 4,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда биринчи суғоришда 6 соатда 1096 м<sup>3</sup>/га, Степ 500, 50% с.э. гербициди 4,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантида 1122 м<sup>3</sup>/га, Анкосар 720 г/л гербицидини 3,0; 4,0 ва 5,0 л/га меъёрларда қўлланилганда мос равишда 1095 м<sup>3</sup>/га; 1140 м<sup>3</sup>/га ва 1146 м<sup>3</sup>/га сув сарфланди. Степ 500, 50% с.э. гербициди 4,0 л/га меъёрда экиш билан бирга Анкосар 720 г/л гербицидини 4,0 л/га меъёрда ингичка толали ғўзани шоалаш давригача олдинма кейин қўлланилган вариантида 1181 м<sup>3</sup>/га сув сарфланганлиги аниқланган.

Тажрибаларда ерни кузда шудгорлаб, пушта олинган шароитда назорат (гербицидсиз) вариантида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги биринчи суғоришда ўртача 6 соатда 1076 м<sup>3</sup>/га сув сарфланган бўлса, Стомп плтос 33 % э.к. 4,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда биринчи суғоришда 6 соатда 1126 м<sup>3</sup>/га, Степ 500, 50 % с.э. гербициди 4,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантида 1147 м<sup>3</sup>/га, Анкосар 720 г/л гербицидини 3,0; 4,0 ва 5,0 л/га меъёрларда қўлланилганда мос равишда 1128 м<sup>3</sup>/га; 1161 м<sup>3</sup>/га ва 1170 м<sup>3</sup>/га сув сарфланди. Степ 500, 50 % с.э. гербициди 4,0 л/га меъёрда ва Анкосар 720 г/л гербицидини 4,0 л/га меъёрда олдинма-кейин қўлланилган вариантида 1120 м<sup>3</sup>/га сув сарфланганлиги аниқланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ерни кузда шудгорлаб, пушта олинган ерда тупрокнинг сув ўтказувчанлиги текис ерга экилган вариантиларга нисбатан бирмунча юқори бўлганлиги кузатишган.

Диссертациянинг «Пуштага экиш ва гербицидларни қўллашнинг бегона ўтларга, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири» деб номланган тўртинчи бобда Сурхондарё вилоятидаги суғориладиган ўтлоқ тупроқлар шароитида бир йиллик бегона ўтларга қарши Анкосар 720 э.к. гербицидини қўллашнинг мақбул меъёрини аниқлаш ва Степ 500 ва Анкосар 720 э.к. гербицидлари олдинма-кейин қўллашнинг бир ва кўп йиллик бегона ўтларга, ингичка толали ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва толанинг сифат кўрсаткичларига ҳамда ингичка толали ғўза этиштиришдаги иктисодий самарадорлигига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Тажриба даласида бир йиллик бегона ўтлардан курмак, олабута, ёввойи гултожихўроз, итузум, семиз ўт ва кўйतिकан, кўп йиллик бегона ўтлардан ғумай, ажрик, кўйпечак кабилар учраши кузатилиб, бегона ўтлар биринчи, иккинчи ва учинчи суғоришдан кейин (30, 50 ва 70 кунда) ҳисобга олишган. Дала тажрибасида (2017-2019 йй.) ерни кузда шудгорлаб, баҳорда экишга тайёрланган шароитда экилган ингичка толали ғўза далаларида назорат вариантида бир йиллик бегона ўтлар биринчи ҳисобда (препарат сешилганда кейин 30 кун ўтиб) 43,05 дона/м<sup>2</sup> бўлган бўлса, Стомп плюс 33 % с.э. (эталон) гербициди (4,0 л/га) қўлланилганда назорат вариантыга нисбатан 80,3 %, Степ 500, 50 % с.э. 4,0 л/га меъёрида қўлланилган бегона ўтларни 81,1 % га камайтирган бўлган бўлса, Анкосар 720 г/л гербицидиши 3,0; 4,0; ва 5,0 л/га меъёрларда қўлланилган мос равишда 76,6; 79,6 ва 80,8 % камайтиришга эришилган (1, 2-жадваллар).

Степ 500, 50 % с.э. 4,0 л/га меъёрида экиш билан бирга сешилиб, Анкосар 720 г/л с.э. гербицидини 4,0 л/га меъёрида ингичка толали ғўзанинг поналаш даврида ёки бир йиллик бегона ўтларни бўйи 10-15 см бўлганда сепиш натижасида уларнинг сони 88,6 % га камайгани аниқлашган.

Ерни кузда шудгорлаб, баҳорда экишга тайёрлашган шароитда Анкосар 720 г/л с.э. гербицидининг мақбул меъерини аниқланганда, энг яхши вариант Анкосар 720 г/л с.э. гербициди 4,0 л/га меъёрида қўлланилган вариантда бўлиши кузатишган.

Ерни кузда шудгорлаб баҳорда экишга тайёрланган шароитда (назорат гербицидсиз вариант) этиштирилган ингичка толали ғўза далаларида кўп йиллик бегона ўтларнинг сони 6,80 дона/м<sup>2</sup> ни ташкил қилган бўлса, Стомп плюс 33 % с.э. (эталон) гербициди (4,0 л/га) қўлланилган вариантда кўп йиллик бегона ўтлар 10,3 %, Степ 500, 50 % с.э. 4,0 л/га меъёрида қўлланилган бегона ўтларни 12,6 % га камайтирган бўлган бўлса, Анкосар 720 г/л гербицидиши 3,0; 4,0; ва 5,0 л/га меъёрларда қўлланилганда мутоасиб равишда 79,1; 83,7 ва 85,1 % камайтирган.

Далани кузда шудгорлаб пушта олинган ерда 1-суғоришдан кейин бегона ўтларни 1-ҳисобга олишда назорат (гербицидсиз) вариантида, бир йиллик бегона ўтлар сони 2017-2019 йилларда қайтариқлар бўйича ўртача 35,05 дона/м<sup>2</sup> бўлган бўлса, гербицидлар қўлланилган вариантларда уларнинг сони ерни баҳорда экишга тайёрланган шароитда назорат вариантыга нисбатан сезиларли даражада камайган. Стомп плюс 33 % с.э. гербициди 4,0 л/га меъёрида қўлланилганда назорат вариантыга нисбатан 88,1 % га, Степ 500, 50 % с.э. гербициди 4,0 л/га меъёрида қўлланилганда бегона ўтларни 89,1 % га камайишига эришилди. Бу гербицидлар бегона ўтларнинг фақат уруғларининг унувчанлигига таъсир кўрсатди. Анкосар 720 г/л с.э. препарати 3,0; 4,0 ва 5,0 л/га меъёрларда қўлланилганда бир йиллик бегона ўтлар назорат вариантыга нисбатан мос равишда 83,1 %; 88,2 % ва 88,9 % камайтирди. Степ 500, 50 % с.э. 4,0 л/га меъёрида экиш билан бирга ва Анкосар 720 г/л с.э. 4,0 л/га меъёрида ингичка толали ғўзани поналаш даврида олдинма-кейин қўлланилган вариантда бегона ўтларни сони 95,8 % камайишига эришилган.

Пуппта олинган ва баҳорда экиппта тайёрланган пароятда интичка толали  
 1 ўза далаларида бегона ўтларга гербицидларнинг таъсири, %,  
 (2017-2019 йй.), 1-ҳисоб ўртача

№	Вариантлар	Гербицидларни қўллаш меъёри, кг. д/га	Бир йиллик бегона ўтлар							
			кора курмак (шамак)	олабуца (оқ шўра)	иг узум	ёвойн гулпожи хўроз (эшак шўра)	семиз ўт	кўйг икан	бошқа лар	жами
<b>Текис ерга экиш</b>										
1.	Назорат, гербицидсиз	-	-	-	-	-	-	-	-	-
2.	Стомп плюс 33,0% э.к. (эталон)	4,0	81,2	80,7	82,1	80,0	79,5	78,5	78,4	80,3
3.	Степ 500, 50% э.к. (эталон)	4,0	81,6	81,6	82,7	81,3	80,5	79,5	79,6	81,1
4.	Анкосар 720 г/д с.э.	3,0	75,5	76,3	77,9	76,8	78,0	76,7	77,6	76,6
5.	Анкосар 720 г/д с.э.	4,0	78,5	80,3	82,1	79,0	82,0	78,4	79,6	79,6
6.	Анкосар 720 г/д с.э.	5,0	80,1	81,5	82,3	81,1	83,3	79,3	80,0	80,8
7.	Степ 500, 50% э.к. + Анкосар 720 г/д с.э.	4,0+4,0	88,3	89,5	89,9	89,1	90,0	86,7	87,1	88,6
<b>Пуштага экиш</b>										
8.	Назорат, гербицидсиз	-	15,3	14,8	16,8	18,1	18,8	17,8	17,6	18,6
9.	Стомп плюс 33,0% э.к. (эталон)	4,0	88,1	88,9	89,5	88,6	89,5	86,2	85,5	88,1
10.	Степ 500, 50% э.к. (эталон)	4,0	88,6	89,8	90,5	89,7	90,8	87,1	88,2	89,1
11.	Анкосар 720 г/д с.э.	3,0	82,1	80,1	82,5	82,3	87,3	86,4	83,9	83,1
12.	Анкосар 720 г/д с.э.	4,0	86,8	85,3	88,8	87,8	92,5	91,6	87,5	88,2
13.	Анкосар 720 г/д с.э.	5,0	86,9	86,7	89,7	88,4	93,3	92,0	88,6	88,9
14.	Степ 500, 50% э.к. + Анкосар 720 г/д с.э.	4,0+4,0	94,3	96,4	97,3	95,2	97,5	97,0	94,5	95,8
№	Вариантлар	Гербицидларни қўллаш меъёри, кг. д/га	Қўн йиллик бегона ўтлар						жами	
			гумай	ажриқ	кўйпечак	зубтурум	боппалар			
<b>Текис ерга экиш</b>										
1.	Назорат, гербицидсиз	-	-	-	-	-	-	-		
2.	Стомп плюс 33,0% э.к. (эталон)	4,0	12,1	08,7	07,7	14,3	09,4	10,3		
3.	Степ 500, 50% э.к. (эталон)	4,0	13,3	10,8	10,8	18,1	11,8	12,6		
4.	Анкосар 720 г/д с.э.	3,0	83,6	84,1	69,2	81,9	70,6	79,1		
5.	Анкосар 720 г/д с.э.	4,0	86,1	88,7	76,2	86,7	75,3	83,7		
6.	Анкосар 720 г/д с.э.	5,0	87,3	89,2	78,4	87,6	78,8	85,1		
7.	Степ 500, 50% э.к. + Анкосар 720 г/д с.э.	4,0+4,0	90,9	91,8	84,6	90,5	82,4	88,8		
<b>Пуштага экиш</b>										
8.	Назорат, гербицидсиз	-	09,1	12,8	06,1	14,3	05,9	10,0		
9.	Стомп плюс 33,0% э.к. (эталон)	4,0	19,4	16,9	15,4	23,8	14,1	18,2		
10.	Степ 500, 50% э.к. (эталон)	4,0	21,2	20,0	17,7	29,5	18,8	21,1		
11.	Анкосар 720 г/д с.э.	3,0	89,1	89,2	79,2	91,4	77,6	86,2		
12.	Анкосар 720 г/д с.э.	4,0	92,1	94,3	82,3	94,3	82,4	90,0		
13.	Анкосар 720 г/д с.э.	5,0	92,7	93,8	83,1	95,2	83,5	90,4		
14.	Степ 500, 50% э.к. + Анкосар 720 г/д с.э.	4,0+4,0	95,2	95,9	88,4	98,1	92,9	94,3		

Пунтага экинн ва гербицидларни қўллашнинг натижа толали нўза  
далаларидаги бегона ўтларга таъсири (2017-2019 йй.)

№	Вариантлар	Гербицидларни қўллаш миқдори, кг, д/га	Бир йиллик бегона ўтлар					
			1-хисоб		2-хисоб		3-хисоб	
			Қамайиш					
		дона/м <sup>2</sup>	%	дона/м <sup>2</sup>	%	дона/м <sup>2</sup>	%	
<b>Тексга экинн</b>								
1.	Пазорат, гербицидсиз	-	43.05	-	29.70	-	25.60	-
2.	Стомп плюс 33,0% с.э. (эталон)	4,0	4,47	80,3	6,24	79,0	5,57	78,2
3.	Степ 500, 50% с.э. (эталон)	4,0	8,12	81,1	5,83	80,4	5,21	79,6
4.	Анкосар 720 г/д с.э.	3,0	10,09	76,6	7,34	75,3	6,43	74,9
5.	Анкосар 720 г/д с.э.	4,0	8,78	79,6	6,56	77,9	5,85	77,1
6.	Анкосар 720 г/д с.э.	5,0	8,26	80,8	6,28	78,9	5,47	78,6
7.	Степ 500, 50% с.э. + Анкосар 720 г/д с.э.	4,0-4,0	4,91	88,6	4,13	86,1	3,51	86,3
<b>Пунта экинн</b>								
8.	Пазорат, гербицидсиз	-	35.05	18,6	25.40	14,5	22,09	13,8
9.	Стомп плюс 33,0% с.э. (эталон)	4,0	5,12	88,1	4,20	85,9	3,87	84,9
10.	Степ 500, 50% с.э. (эталон)	4,0	4,70	89,1	3,66	87,7	3,46	86,5
11.	Анкосар 720 г/д с.э.	3,0	7,27	83,1	5,44	81,7	4,81	81,2
12.	Анкосар 720 г/д с.э.	4,0	5,07	88,2	4,20	85,9	3,81	85,1
13.	Анкосар 720 г/д с.э.	5,0	4,80	88,9	4,06	86,3	3,67	85,7
14.	Степ 500, 50% с.э. + Анкосар 720 г/д с.э.	4,0-4,0	1,81	95,8	2,09	92,9	2,05	91,9
№	Вариантлар	Гербицидларни қўллаш миқдори, кг, д/га	Кўп йиллик бегона ўтлар					
			1-хисоб		2-хисоб		3-хисоб	
			Қамайиш					
		дона/м <sup>2</sup>	%	дона/м <sup>2</sup>	%	дона/м <sup>2</sup>	%	
<b>Тексга экинн</b>								
1.	Пазорат, гербицидсиз	-	6.80	-	5.10	-	4.45	-
2.	Стомп плюс 33,0% с.э. (эталон)	4,0	6,10	10,3	4,59	10,0	3,99	10,3
3.	Степ 500, 50% с.э. (эталон)	4,0	5,94	12,6	4,38	14,1	3,93	11,7
4.	Анкосар 720 г/д с.э.	3,0	1,42	79,1	1,24	75,7	1,14	74,4
5.	Анкосар 720 г/д с.э.	4,0	1,11	83,7	0,98	80,8	0,91	79,6
6.	Анкосар 720 г/д с.э.	5,0	1,01	85,1	0,94	81,5	0,86	80,7
7.	Степ 500, 50% с.э. + Анкосар 720 г/д с.э.	4,0-4,0	0,76	88,8	0,69	86,5	0,68	84,7
<b>Пунта экинн</b>								
8.	Пазорат, гербицидсиз	-	6.12	10.0	4.67	8.4	4.12	7.4
9.	Стомп плюс 33,0% с.э. (эталон)	4,0	5,56	18,2	4,27	16,3	3,77	15,3
10.	Степ 500, 50% с.э. (эталон)	4,0	5,36	21,1	4,03	20,1	3,57	19,8
11.	Анкосар 720 г/д с.э.	3,0	0,94	86,2	0,77	84,9	0,74	83,4
12.	Анкосар 720 г/д с.э.	4,0	0,68	90,0	0,60	88,2	0,64	85,6
13.	Анкосар 720 г/д с.э.	5,0	0,65	90,4	0,56	89,0	0,60	86,5
14.	Степ 500, 50% с.э. + Анкосар 720 г/д с.э.	4,0-4,0	0,39	94,3	0,38	92,5	0,38	91,5

Изоҳ: 1-хисоб: 30 кундан кейин;  
2-хисоб: 50 кундан кейин;  
3-хисоб: 70 кундан кейин



Гербицидларнинг ингичка толали ғўза даласидаги кўп йиллик бегона ўтларга таъсири ҳисобга олинганда, назорат вариантыда 6,80 дона/м<sup>2</sup> ни ташкил қилган бўлса, Стомп плюс 33 % с.э. 4,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда 18,2 % га, Степ 500, 50 % с.э. гербициди 4,0 л/га меъёрда қўлланилганда кўп йиллик бегона ўтларни 10,0 %га камайганлиги аниқланди. Бу гербицидлар кўп йиллик бегона ўтларнинг фақат уруқларидаш унвчанлигига таъсир кўрсатганлиги кузатилди. Анкосар 720 л/га гербицидини алоҳида 3,0; 4,0 ва 5,0 л/га меъёрларда қўлланилганда кўп йиллик бегона ўтлар мос равишда 86,2 %; 90,0 % ва 90,4 %га камайганлиги аниқланган.

Ерши кузда шудгорлаб баҳорда экишга тайёрлашган шароитда бир йиллик бегона ўтлар сони 43,05 дона/м<sup>2</sup>, кўп йиллик бегона ўтлар 6,80 дона/м<sup>2</sup> ни ташкил қилган бўлса, ерни кузда шудгор қилиб пушта олинган шароитда бир йиллик бегона ўтлар сони назорат вариантыда 35,05 дона/м<sup>2</sup>, кўп йиллик бегона ўтлар 6,12 дона/м<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Бир йиллик бегона ўтлар сонига нисбатан ерни кузда шудгорлаб пушта олинган шароитда 8,0 дона/м<sup>2</sup> га ёки 18,6 % га кам бўлганлиги аниқланди. Кўп йиллик бегона ўтлар эса, 0,68 дона/м<sup>2</sup> га ёки 10,0 % камайишига эришилган.

Тажрибала 1-ҳисобда назорат (гербицидсиз) вариантыда бир йиллик бегона ўтларнинг қуруқ массаси 36,25 г/м<sup>2</sup> бўлган бўлса, Стомп плюс 33,0 % с.э. 4,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантыда 4,25 г/м<sup>2</sup> га тенг бўлиб, бегона ўтларнинг қуруқ массаси 88,3 % га камайган. Степ 500, 50 % с.э. гербициди 4,0 л/га меъёрда қўлланилганда, бир йиллик бегона ўтларнинг қуруқ массаси 4,05 г/м<sup>2</sup> ни яъни 88,8 % камайган. Анкосар 720 г/л с.э. (4,0 л/га) гербицидини 3,0; 4,0 ва 5,0 л/га меъёрларда алоҳида қўлланилган вариантларда, назорат вариантыга нисбатан мос равишда (7,25, 6,25 ва 6,00 г/м<sup>2</sup>) 80,0; 81,4 ва 82,8 % га камайганлиги аниқланди. Степ 500, 33 % с.э. (4,0 л/га) гербициди билан Анкосар 720 г/л с.э. (4,0 л/га) гербицидини олдинма-кейин қўлланилган вариантыда назорат вариантыга нисбатан (3,25 г/м<sup>2</sup>) 91,0 % га камайганлиги аниқланган.

Кўп йиллик бегона ўтларнинг қуруқ массаси аниқлашганда 1-ҳисобда назорат вариантыда 5,55 г/м<sup>2</sup> ни ташкил қилган бўлса, Стомп плюс 33 % с.э. 4,0 л/га меъёрда қўлланилганда 4,75 г/м<sup>2</sup> га тенг бўлган бўлса, унинг камайиши назорат вариантыга нисбатан 14,4 % га камайди. Степ 500, 50 % с.э. гербициди 4,0 л/га меъёрда қўлланилганда қуруқ массаси 4,50 г/м<sup>2</sup> ни ташкил этиб, 18,9 % га камайган. Анкосар 720 г/л с.э. гербицидини 3,0; 4,0 ва 5,0 л/га меъёрларда қўлланилганда назорат вариантыга нисбатан кўп йиллик бегона ўтлар мос равишда (1,15, 0,95 ва 0,85 г/м<sup>2</sup>) 79,3, 82,9 ва 84,7 % га камайганлиги аниқланди. Степ 500, 33 % с.э. (4,0 л/га) гербициди билан Анкосар 720 г/л с.э. (4,0 л/га) гербицидини олдинма-кейин қўлланилган вариантыда назорат вариантыга нисбатан (0,65 г/м<sup>2</sup>) 88,3 % га камайганлиги аниқлашган.

